

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ГАНИЕВА ШАХЗОДА ШАВКАТОВНА**

**БОЛАЛАРДА HELICOBACTER PYLORI БИЛАН АССОЦИИРЛАНГАН  
ГАСТРОИНТЕСТИНАЛ АЛЛЕРГИЯНИНГ НОИНВАЗИВ ТАШХИСИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ганиева Шахзода Шавкатовна**

Болаларда *Helicobacter pylori* билан ассоциирланган гастроинтестинал  
аллергиянинг ноинвазив таъхиси..... 5

**Ганиева Шахзода Шавкатовна**

Неинвазивная диагностика *Helicobacter pylori* ассоциированной  
гастроинтестинальной аллергии у детей..... 20

**Ganieva Shakhzoda Shavkatovna**

Noninvasive diagnosis of *Helicobacter pylori* associated gastrointestinal  
allergy in children..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientific works ..... 40

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ГАНИЕВА ШАХЗОДА ШАВКАТОВНА**

**БОЛАЛАРДА HELICOBACTER PYLORI БИЛАН АССОЦИИРЛАНГАН**  
**ГАСТРОИНТЕСТИНАЛ АЛЛЕРГИЯНИНГ НОИНВАЗИВ ТАШХИСИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib1017 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.bsni.uz](http://www.bsni.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иноятов Амрилло Шодиевич  
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оponentлар:

Тузанкина Ирина Александровна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)  
Файзуллаева Нигора Яхъяевна  
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси  
(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» декабр куни соат 12<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоний шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (010 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоний шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2020 йил «11» декабр куни тарқатилди.  
(2020 йил «11» декабр даги 26 рақамли реестр баённомаси)



Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Д.Н. Ачилова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

Қ.Э. Шомуродов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси ўринбосари  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Охириги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларига толерантликнинг шаклланиши жараёнининг бузилиши билан боғлиқ бўлган потологик ҳолатлар тарқалиши ошиб бормоқда. Шу даврда болаларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергиянинг ҳам тарқалиши ошиб бормоқда. Ушбу аллергиянинг ривожланиш механизми илмий изланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда ва уни тимсолли равишда аллергия эпидемиясининг “иккинчи тўлқини” деб номланган<sup>1</sup>. *Helicobacter pylori* сурункали эшак еми ва таомга бўлган аллергия ривожланишининг хавф омили ҳисобланади<sup>2</sup>.

Дунё миқёсида болаларда гастроинтестинал аллергиянинг шаклланиши ва кечишининг клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Болаларда янги ноинвазив ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш, гастроинтестинал аллергиянинг ривожланиши ва қайталаниши хавфининг предиктор омилларини аниқлаш, болалардаги гастроинтестинал аллергияда пешоб ва сўлакнинг иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг аҳамиятини белгилаш бу борадаги устивор йўналишлар бўлиб ҳисобланади. Гастроинтестинал симптомлар ҳам таомга бўлган анафилактик реакциянинг белгиси бўлиши мумкин. Бунда IgE-воситасига боғлиқ бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларига аллергик реакциялар, айниқса гастроинтестинал аллергиянинг теридаги тошмаларсиз юзага келадиган алоҳида белгилари ташхис қўйишда қийинчиликлар юзага келтиради. Эндоскопик ва биопсия текширувларининг бир маромда ўтқазилмаслиги туфайли IgE-воситасига боғлиқ бўлмаган гастроинтестинал аллергияларнинг патогенези жаҳон мамлакатларида кам ўрганилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, эрта ташхислаш ва соғлом бола туғилишини таъминлаш мамлакатимиз тиббиётининг долзарб муаммоларидан биридир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида "...сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларга ихтисослашган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш" режалаштирилган.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий

<sup>1</sup>Кцюян Л.А., Бабакехвян Т.М. Современные взгляды на патогенез аллергических заболеваний. Трудный пациент №8–9, ТОМ 14, 2016 с 34-39.

<sup>2</sup>Shabrawy RM, Gharib K. Helicobacter pylori Infection as a Risk Factor in Patients Suffering from Food Allergy and Urticaria. Egypt J Immunol. 2016;23(1):67-75.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон, 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715-сон «Аллергия касалликларининг олдини олиш, диагностикаси ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ги Қарорлари, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.**

республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

*Helicobacter pylori* ошқозон шиллиқ қаватининг бутунлигини бузиш орқали озиқ-овқат аллергияларини қонга ўтишига имкон беради ва таомга бўлган аллергияга мойилликни пайдо қилади (Shiferaw G., Abera D., 2019).

Ошқозондаги *Helicobacter pylori* микроорганизмларининг тахминан 20% ошқозон эпителиал ҳужайралари юзасига ёпишади. Бу эпителий ҳужайраларига зарар етказиши, яллиғланишни келтириб чиқаради ва токсинларнинг сўрилишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида бактерияларнинг инвазияси ва персистенциясини кучайтиради (Kronsteiner V. et al., 2016). *Helicobacter pylori* инфекцияси IgEни иммун жавобга сафарбар этишга қодир. Тадқиқотлар тез-тез касалланувчи болаларда IgEнинг ортиши Th2- туридаги ишлаб чиқаришнинг кучайишидан далолат беради (Арипова Т.У., Мусаходжаева Д.А., 2017).

Бирок, ушбу анти-*Helicobacter pylori*-IgE антителоларнинг аҳамияти ҳали ҳам номаълум, шунинг учун, цитокинлар ва гуморал иммунитет омилларини динамикада ишлаб чиқарилишини тизимли ва локал ўрганиш, шунингдек педиатрияда ноинвазив ташхисот усулларини ишлаб чиқиш, болалардаги озиқ-овқат аллергияси қайталанишининг ташхисотини оптималлаштириш ва истикболини аниқлаш муҳим. Мавжуд илмий манбаларда болаларда *Helicobacter pylori* билан инфицирланишга боғлиқ ҳолда цитокинлар миқдорини ўрганиш ҳақидаги маълумотларнинг камлиги, болалардаги гастроинтестинал аллергиянинг истикболини аниқлашда, иммун-биокимёвий ҳолатни ўрганишни талаб қилади. Ўтказилган бир қатор изланишларга қарамай болалардаги гастроинтестинал аллергиянинг истикболи ва ташхисотида иммун-биокимёвий кўрсаткичларнинг аҳамияти ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Болаларда гастроинтестинал аллергия ташхиси алгоритмларининг йўқлиги, ушбу соҳада гастроинтестинал аллергия кечиши истикболини белгилаш, асоратлар ва ўлимнинг олдини олиш бўйича тадқиқотлар зарурлигини тасдиқлайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 05.2019. PhD052 «Бухоро худуди иссиқ иклими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш,

даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда *Helicobacter pylori* ассоцирланган гастроинтестинал аллергияни ташхислашнинг ноинвазив усуллари ишлаб чиқишда иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг аҳамиятини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда озиқ-овқат маҳсулотларига аллергиянинг ривожланиши ва қайталанишида хавф омилларининг аҳамиятини баҳолаш;

болаларда *Helicobacter pylori* ассоцирланган гастроинтестинал аллергияда цитокин профили, хужайра ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш;

болаларда гастроинтестинал аллергияда иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг корреляцион таҳлилини ўтказиш;

болаларда гастроинтестинал аллергиянинг ноинвазив ташхиси алгоритмларини ишлаб чиқиш;

гастроинтестинал аллергияли болаларни текшириш дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанган 439 нафар озиқ-овқат маҳсулотларига аллергияси бўлган бемор болалар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бемор болаларни вена қони, зардоби ва сўлаги тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, функционал, биокимёвий, иммунологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергиянинг ривожланиши ва қайталанишининг хавф омиллари баҳоланган, озиқ-овқат маҳсулотларига аллергиянинг шаклланиши ва ривожланиши истиқболи аниқланган;

гастроинтестинал аллергияси бўлган бемор болаларда *Helicobacter pylori* ассоциациясидан қатъи назар сўлакда IL-8, TNF- $\alpha$ , IgE концентрациясининг ошиши ва sIgA нинг пасайиши аниқланган;

болаларда *Helicobacter pylori* инфекцияси туфайли келиб чиққан гастроинтестинал аллергияни фарқлашда сўлак таркибидаги IgE ва пешоб диастазаси эрта ноинвазив ташхиснинг информатив кўрсаткич эканлиги аниқланган;

*Helicobacter pylori* ассоцирланган гастроинтестинал аллергияда сўлакда IgE миқдорининг ортиши, IL-8 миқдорининг ортиши ва sIgA миқдорининг пасайиши билан кечиши аниқланган;

*Helicobacter pylori* ассоцирланган гастроинтестинал аллергияда *Helicobacter pylori* инфекциясининг сўлакдаги IgE билан кучли, қондаги *Helicobacter pylori* ва қондаги АСТ орасида ўртача ва пешоб диастазаси билан сўлакдаги sIgA орасида ўртача ижобий корреляцияси мавжудлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кўп тармоқли тиббиёт марказларининг аллергологлар, иммунологлар, педиатрлар, гастроэнтерологлар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари умумий амалиёт шифокорлари амалиётида фойдаланиш учун болаларда гастроинтестинал аллергиянинг алгоритмлари ва диагностикаси схемалари ишлаб чиқилган;

*Helicobacter pylori* ассоциирланган гастроинтестинал аллергияда CD8+ Т-лимфоцитларининг танқислиги ошқозон-ичак тизимининг сурункали касаллигининг ривожланиши ва аутоиммун жараённинг ривожланиш хавфининг юқорилигини аниқлаш учун информатив омил эканлиги аниқланган;

гастроинтестинал аллергиянинг *Helicobacter pylori* билан боғлиқлигидан қатъи назар, беморлар сўлагида IL-8, TNF- $\alpha$ , IgE нинг ортиши ва sIgA нинг пасайиши исботланган;

озик-овқат маҳсулотларига аллергияси бўлган болаларни текшириш, даволаш тактикасини танлаш ва асоратларни башоратлаш бўйича дастур ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти, таомга бўлган аллергияда қон ва сўлакнинг иммун-цитокин кўрсаткичларининг аниқланган хусусиятлари гастроинтестинал аллергия патогенезининг янги қирраларини очиб беради, бу республикада келгусида чуқур тадқиқотлар ўтказиш учун асос бўлиб изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, олинган натижалар асосида амалий тиббиётга *Helicobacter pylori* ассоциирланган гастроинтестинал аллергияни болаларда ноинвазив диагностикаси учун схемаси ва алгоритми, шунингдек, педиатрлар, гастроэнтерологлар, иммунологлар, аллергологлар учун ушбу тоифадаги бемор болаларни бошқариш тактикаси ва профилактика чораларининг сифатини оширишда узвийликни таъминлайди. Буларнинг барчаси гастроинтестинал аллергиядан келиб чиқадиган асоратлар ва ўлим сонини камайтиришга, иқтисодий харажатларни камайтиришга ва ушбу контингентдаги болалар ҳаёт сифатини оширишда изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гастроинтестинал аллергияга чалинган болаларда қон ва сўлакнинг иммун-цитокин кўрсаткичларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда *Helicobacter pylori* ассоциирланган гастроинтестинал аллергиянинг ноинвазив диагностика усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 08 октябрдаги 8н-

д/368-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда гастроинтестинал аллергиянинг ноинвазив диагностикаси ва уларни даволаш тактикасини ўз вақтида танлаш схемаси ишлаб чиқилган.

«Гастроинтестинал аллергия кузатилган болаларни бошқариш тактикаси ва ташхис алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 08 октябрдаги 8н-д/369-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсияномада гастроинтестинал аллергияни эрта ташхислаш ва бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган.

Болаларда *Helicobacter pylori* инфицирланишига боғлиқ бўлган гастроинтестинал аллергиянинг қиёсий ташхисоти, ноинвазив ва эрта диагностикасининг информатив индикаторини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси ва Бухоро вилояти тиббий диагностика маркази ҳамда 10-сон ва 4-сон оилавий поликлиникалар амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 ноябрдаги 8н-д/168-сон хулосаси). Натижада ташхиснинг аниқлиги ва тезлигини оширишга, шунингдек таомга бўлган аллергиялар қайталанишининг олдини олишга ёрдам берди, бу эса ушбу тоифадаги касал болаларни диагностикаси ва даволаш учун бевосита ва билвосита харажатларни камайтиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда *Helicobacter pylori* ассоцирланган гастроинтестинал аллергиянинг ноинвазив диагностикасига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, ундан ташқари болалардаги *Helicobacter pylori* ассоцирланган гастроинтестинал аллергиянинг этиология ва патогенези, болалардаги таом аллергиясида цитокин ва иммун тизимининг функционал ҳолатининг ўрганилган баъзи қирралари ҳақидаги таҳлил қилинган маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган болаларнинг умумий хусусиятлари ва махсус тадқиқот усуллари келтирилган. Мақсад ва вазифага мос равишда болаларда озиқ-овқат маҳсулотларига аллергиянинг учраш даражасини аниқлашда Бухоро вилояти Соғлиқни Сақлаш бошқармасининг 2016-2019 йиллардаги расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди. Мақсад ва вазифага эришиш учун 5150 нафар Бухоро болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидаги алергология ва гастроэнтрология бўлимида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергия ҳамда ошқозон ичак касалликлари билан даволанган болалар текширилган ва улардан 439 нафар озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергияли бемор болалар танлаб олинган.

Бемор болаларнинг қон иммунологик текшируви ЎЗР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти, иммуноморфология лабораториясида ўтказилган. Қондаги (IgA, IgG, IgM, IgE) ва сўлакдаги (IgA, IgE) гуморал иммунитет кўрсаткичлари, сўлакдаги цитокинлар (IL-8, TNF- $\alpha$ ) ҳолати ўрганилди. Қон анализи гастроинтестинал аллергиянинг (ГИА) кўзиш даврида олинган.

Цитокинлар (IL-8, TNF- $\alpha$ ) сўлакда ИФА усулида кўрсатмага асосан аниқланди ва «Цитокин» тест тўпламидан (СПб, Россия) фойдаланилган.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усулида амалга оширилди. Ўртача фарқлар ишончилиги Стьюдент (t) мезони асосида тарқалиш нормаллиги ва асосий дисперсия тенглигини (F – Фишер мезони) текширишда хатолар эҳтимолини (P) ҳисобга олиб баҳоланди. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) услубларидан фойдаланиб, олиб борилди. Чизиқли корреляцион таҳлил қон ва сўлак абсолют кўрсаткичларининг орасида тўғри боғланиш борлигини кўрсатди. Боғлиқлик критерияси Чеддок (2015) шкаласи бўйича баҳоланган.

Диссертациянинг «**Болалардаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергияда иммунологик кўрсаткичларнинг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида гастроинтестинал аллергияси бор болаларда *Helicobacter pylori* инфицирланишга боғлиқ ҳолда қондаги иммунологик кўрсаткичлар кўрсатилган. Таомга аллергиянинг кечиши ва истикболига таъсир қилувчи йўлдош касалликларни аниқлаш мақсадида 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган ГИАли 63 нафар бемор болалар текширилди. Болалар 2 гуруҳга ажратилди: 32 нафар *Helicobacter pylori* ассоцирланган ГИА билан беморлар ва 31 нафар *Helicobacter pylori* ассоцирланмаган ГИА кузатилган беморлар.

Қоннинг иммунологик кўрсаткичлари *Helicobacter pylori* ассоциирланмаган ГИАда CD3+, CD4+ ва CD8+ лимфоцитлар миқдорининг камайишини кўрсатган.

*Helicobacter pylori* ассоциирланган ГИАда CD3+ ва CD4+ лимфоцитларнинг абсолют миқдорининг назорат гуруҳига (780, 0 ± 27,0 мкл) нисбатан мос равишда 675,0 ± 23,0 мкл ва 435 ± 32 мкл (P<0,05) гача камайиши кузатилиб, бу инфекция ва иккиламчи иммун танқис ҳолатнинг борлигидан далолат беради. Шунингдек CD8+ Т-хужайралар абсолют миқдорининг (238 ± 12,0 мкл назоратга кўра-372 ± 13,0 мкл, p<0,05) аниқланган танқислиги ошқоон ичак тизимининг сурункали касалликлари мавжудлиги ва аутоиммун механизмнинг юзага келиш хавфининг юқорилиги исботлайди.

*Helicobacter pylori* ассоциирланмаган ГИАда CD3+ лимфоцитлар абсолют миқдорининг 1,7 марта (1325,6 ± 90,03 мкл гача, p<0,05), CD4+ лимфоцитларнинг 1,3 марта (658,63± 44,78мкл, гача p<0,05) ва CD8+ лимфоцитларнинг 1,52 марта (567,17± 45,46 мкл, гача p<0,05) ортиши кузатилиб, бу аллергиянинг ўткир даври ва гиперреактив синдромдан дарак берган.

*Helicobacter pylori* ассоциирланган ГИАда В-лимфоцитлар таҳлили CD20+ хужайраларини контрол кўрсаткичларга-25,4 ±0,8мг% (P<0,05)нисбатан 28,8± 1,2мг%гача ошганлигини кўрсатди. Шунингдек CD23+ хужайраларининг абсолют ва нисбий миқдорининг мос равишда 12,2± 0,8 мг% ва 165 ±5,0 мклгача назорат гуруҳи кўрсаткичларга-9,4 ± 0,3 мг% ва 145 ± 3,0 мкл нисбатан ошганлиги аниқланди.

*Helicobacter pylori* ассоциирланмаган ГИА бемор болаларда CD20+ лимфоцит хужайраларининг нисбий миқдори- 18,17±0,99 мг%, назорат гуруҳи кўрсаткичларга - 25,4±0,8мг% (P<0,05) нисбатан камайиши ҳамда CD23+лимфоцитларнинг - 19,47±0,77мг%, назорат гуруҳига кўра - 9,4 ±0,3мг%(P<0,001) ошиши аниқланди. Ушбу ҳолатдаги CD23+ лимфоцитларнинг ошиши аллергияк жараённинг ўткир давридан далолат беради ва ошқозон-ичак тизимининг сурункали касалликларида организмнинг аллергияк сенсibiliзациясини юзага келишини исботлайди.

ГИА бўлган бемор болаларнинг қонида гуморал иммунитет омилларини ўрганиш болалардаги таомга бўлган аллергияда *Helicobacterpylori* билан инфицирланишга боғлиқ ҳолда иммуноглобулинлар таркибининг дисбаланси мавжудлигини кўрсатди (1.жадвал).

1-жадвал

**Болаларда гастроинтестинал аллергияда иммуноглобулинлар концентрацияси (M±m)**

| Қон кўрсаткичлари | Назорат гуруҳи (n=30) | <i>Helicobacter pylori</i> ассоциирланган ГИА (n=32) | <i>Helicobacter pylori</i> ассоциирланмаган ГИА (n=31) |
|-------------------|-----------------------|--|--|
| Ig A (г/л)        | 3,1 ± 0,5             | 8,8 ± 1,2*   | 1,36 ± 0,17*   |

|              |            |             |                 |
|--------------|------------|-------------|-----------------|
| Ig M (г/л)   | 2,2 ± 0,5  | 3,5 ± 0,8   | 1,91 ± 0,19     |
| Ig G (г/л)   | 14,8 ± 1,0 | 21,5 ± 1,0* | 9,54 ± 0,43*    |
| Ig E (МЕ/мл) | 22,0 ± 1,2 | 25,0 ± 1,1  | 88,67 ± 4,84*** |

Изох: \* - назорат гуруҳига кўра фарқи аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

*Helicobacter pylori* ассоцирланмаган ГИА бўлган бемор болаларни текширувдан ўтказганда IgE миқдорининг 88,67±4,84 мклгача, назорат гуруҳига нисбатан - 22,0±1,2мкл, 4 мартага ошганлиги аниқланган (P<0,001).

*Helicobacter pylori* ассоцирланган ГИА бўлган бемор болаларнинг қон таҳлил натижалари Ig A - 8,8±1,2 г/л миқдорининг назорат гуруҳига - 3,1±0,5 г/л нисбатан ва IgG - 21,5±1,0 г/л миқдорининг назорат гуруҳига 14,8±1,0 г/л нисбатан ошганлигини кўрсатган (P < 0,05).

*Helicobacter pylori* ассоцирланмаган ГИА бўлган бемор болалар қонида иммуноглобулинлар миқдори таҳлил қилинганда ўрганилган иммуноглобулинларга нисбатан тескари натижа кузатилган. Бунда назорат гуруҳига нисбатан IgA миқдорининг 1,36±0,17 г/л гача ва IgG миқдорининг 9,54±0,43 г/л гача (P<0,05) камайиши хос бўлган.

IgM концентрацияси *Helicobacter pylori* ассоцирланган ГИА бўлган бемор болаларнинг қонида назорат гуруҳига нисбатан асосиз ошиб борганлиги, *Helicobacter pylori* ассоцирланмаган ГИА бўлган бемор болаларнинг қонида эса аксинча, IgE - 88,67±4,84 МЕ/мл миқдорининг назорат гуруҳига - 22,0±1,2 МЕ/мл нисбатан ортиши, асосида камайиши аниқланган.

Олинган натижалар *Helicobacter pylori* ассоцирланган ГИА секин ривожланиб борувчи аллергия реакция механизмида кечишинини кўрсатган.

Бунда иккиламчи иммунтанқислик ҳолати юзага келиб, антитана ҳосил бўлиш жараёнини кучайиши билан кечувчи гиперактив синдром асосида инфекциянинг ривожланиши кузатилган.

Цитокинларнинг сўлакдаги миқдори ўрганилганда IL-8 миқдорининг *Helicobacter pylori* ассоцирланган ГИАда назорат гуруҳига нисбатан (16,2 ±0,6пг/мл) 5,8 марта (95,3±6,12 пг/мл), *Helicobacter pylori* ассоцирланмаган ГИАда эса 3,53 марта (57,3±3,26 пг/мл) ошганлиги аниқланган.

ГИАли болаларда секретор иммунитетни ўрганилганда иккала гуруҳда ҳам sIgA миқдорининг камлиги кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Болалардаги гастроинтестинал аллергияда иммуноглобулинлар ва цитокинларнинг сўлакдаги концентрацияси (M±m)**

| Сўлакнинг кўрсаткичлари | Назорат гуруҳи (n=30) | <i>Helicobacterpylori</i> ассоцирланган ГИА (n=32) | <i>Helicobacterpylori</i> ассоцирланмаган ГИА (n=31) |
|-------------------------|-----------------------|--|--|
| Ig A мг%                | 1,1 ± 0,04            | 0,3 ± 0,02***                                      | 0,6±0,04***  |
| Ig E мг%                | 1,2 ± 0,05            | 21,5±1,29***                                       | 27,9±1,82***   |
| IL-8 пг/мл              | 16,2 ±0,6             | 95,3±6,12***                                       | 57,3±3,26***   |

|                     |                |                   |                   |
|---------------------|----------------|-------------------|-------------------|
| TNF- $\alpha$ пг/мл | 21,2 $\pm$ 1,0 | 60,8 $\pm$ 8,63** | 41,6 $\pm$ 3,2*** |
|---------------------|----------------|-------------------|-------------------|

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига кўра фарқи аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

TNF- $\alpha$  миқдори назорат гуруҳига - 21,2 $\pm$ 1,0 пг/мл нисбатан *Helicobacter pylori* ассоцирланган ГИАда - 60,8 $\pm$ 8,63 пг/мл гача, *Helicobacter pylori* ассоцирланмаган ГИАда 41,6 $\pm$ 3,2 пг/мл гача ошганлиги кузатилган.

ГИАда *Helicobacter pylori* инфицирланишдан қатъи назар сўлакдаги sIgАнинг пасайиши, шунингдек IgЕнинг, ҳамда яллиғланиш цитокинлари IL-8, TNF- $\alpha$  миқдорининг ортиши аниқланган.


Секретор цитокинлар организмни бактериал, паразитар ва вирусли инфекциялардан ҳимоя қилиш фаолиятида медиаторлар вазифасига ўтиб олади. Секретор цитокинлар концентрациясининг ГИАда ортиши, касалликнинг кечишида коморбид ҳолатдан дарак беради, ҳамда ҳазм тизими патологиясини инкор этиш зарурлигини исботлайди.

Сўлак иммуноглобулинлари ва цитокинларини ноинвазив усулда аниқлаш педиатрияда ГИА билан бўлган болаларни эрта ташхислаш ва дифференциал олиб бориш имконини беради.

Диссертациянинг «**Болаларда гастроинтестинал аллергиянинг диагностикасида корреляцион таҳлилнинг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида гастроинтестинал аллергияда *Helicobacter pylori* инфицирланишга кўра иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлар натижаларининг корреляцион таҳлили баён этилган.

*Helicobacter pylori* ассоцирланган озиқ-овқат маҳсулотларига аллергияси бўлган бемор болаларда касалликнинг кўзғалиш даврида чизиқли корреляция коэффиценти қон ва сўлакдаги IgЕ орасида кучли мусбат (r=0,80) корреляцияни кўрсатган бўлса сўлакдаги sIgА ҳамда қондаги IgЕ ўзаро тескари (r=-0,78) кучли корреляцион боғлиқликни намоён қилган (1расм.).

Аниқланган корреляцион боғлиқликларга асосланиб болаларда ГИАда қондаги ва сўлакдаги IgЕ нинг ортиши сўлакдаги sIgА нинг пасайиши билан кечиши исботланган. Қон ва сўлак иммуноглобулинлари орасида аниқланган боғлиқлик ГИАга аниқ ва эрта ноинвазив ташхис қўйишга имкон берганлиги туфайли сўлакда IgЕни аниқлаш етарли бўлади.



**1-расм. *Helicobacter pylori* ассоциирланмаган ГИАда иммунологик ва биокимёвий параметрларнинг корреляцион боғлиқлиги**

*Helicobacter pylori* ассоциирланмаган ГИАда сўлакдаги IL-8 ва қондаги IgE орасида ( $r=0,49$ ), сўлакдаги IL-8 ва қондаги sIgE орасида ( $r=0,39$ ) ўртача мусбат боғлиқлик аниқланган. Шунингдек сўлакдаги IL-8 ва sIgA орасида тескари ўртача ( $r=-0,45$ ) боғлиқлик аниқланган. Сўлакда IgE нинг ошиши IL-8 нинг ошиши ва sIgA нинг пасайиши билан кечган.

ГИАда *Helicobacter pylori* инфекциясини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишлар сўлакдаги IL-8 билан қондаги *Helicobacter pylori* орасида кучсиз тескари боғлиқлик ( $r=-0,29$ ) борлигини кўрсатган.


ГИАда қондаги *Helicobacter pylori* ва бошқа кўрсаткичларнинг боғлиқлиги қизиқиш уйғотади. Бу борада ўтказилган таҳлиллар қондаги *Helicobacter pylori* ва лейкоцитлар ( $r=0,27$ ), сийдик диастазаси ( $r=0,29$ ), сўлакдаги TNF- $\alpha$  ( $r=0,27$ ) орасида ўртача мусбат боғлиқлик борлигини кўрсатган.

Шунингдек қондаги *Helicobacter pylori* ва қондаги АСТ ( $r=0,39$ ) аро ўртача мусбат боғлиқлик аниқланган. Сийдик диастазаси ва сўлакдаги sIgA билан ўртача мусбат ( $r=0,40$ ), сўлакдаги IgE билан манфий ( $r=-0,50$ ) боғлиқлик аниқланган.

IgA нинг қон ва сўлакдаги микдорининг мусбат ( $r=0,47$ ) боғлиқлиги ва сўлакдаги sIgA ҳамда қондаги IgM орасида кучли манфий ( $r=-0,59$ ) боғлиқлик борлигини исботланган.

Сийдикдаги диастаза микдори *Helicobacter pylori* инфицирланишни башоратлаш имконини беради, бу эса ноинвазив диагностиканинг имконини яратиб таҳлил учун кетадиган молиявий харажатни камайтиради.

Изланишларимиз давомида *Helicobacter pylori* ассоциирланган ГИАда *Helicobacter pylori* инфекция билан сўлакдаги IgE ( $r=0,83$ ), пешобдаги диастаза ( $r=0,76$ ), қондаги IgE ( $r=0,71$ ) ҳамда қондаги IgM ( $r=0,56$ ) орасида кучли мусбат боғлиқлик кузатилган. Бунда *Helicobacter pylori* қондаги sIgA ( $r=0,25$ ) билан кучсиз мусбат, сўлакдаги IgA ( $r=-0,31$ ) билан эса кучсиз манфий боғлиқликни намоён қилган (2-расм).



**2-расм. *Helicobacter pylori* ассоциирланган ГИАда иммунологик ва биокимёвий параметрларнинг корреляцион боғлиқлиги**

*Helicobacter pylori* ассоциирланган ГИАда қондаги *Helicobacter pylori* ва қондаги лейкоцитлар ( $r=0,28$ ), эозинофиллар ( $r=0,38$ ) ва АСТ ( $r=0,26$ ) орасида мусбат боғлиқлик аниқланган.


*Helicobacter pylori* ассоциирланган ГИАда сўлакдаги TNF-α ва IL-8 ( $r=0,44$ ) орасида ўртача мусбат, сўлакдаги TNF-α ҳамда қондаги IgA ( $r=0,20$ ) орасида кучсиз мусбат боғлиқлик кузатилган.

Иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг корреляцион ўзаро боғлиқлигини ўрганганда ГИАнинг тезкор ноинвазив диагностикасида сўлакнинг цитокинлари ва секретор иммунитет кўрсаткичларидан сўлакдаги IgE ва пешобдаги диастазанинг миқдори информативлиги юқори эканлиги аниқланган.

Корреляцион таҳлилни ўтказганда сўлакдаги IgE миқдориға қараб IL-8 нинг миқдорини башорати имкони юзага келди ва бу гастроинтестинал аллергияси бор бемор болалар учун ташҳиснинг юқори аниқлиги ҳамда ноинвазивлиги, ундан ташқари иқтисодий тежамкорлиги билан ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб ГИА бор болаларда *Helicobacter pylori* инфицирланишга боғлиқ ҳолда касалликнинг эрта ва ноинвазив диагностикаси ҳамда қиёсий ташҳиси учун секретор IgEни ва пешобдаги диастазани концентрациясини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Олинган текширув натижалари яъни, озиқ-овқат маҳсулотларига аллергиянинг, айниқса гастроинтестинал шаклининг анамнестик маълумотлари ҳамда клиник симптомлари асосида, информатив маркерларининг ноинвазив диагностикаси схемаси ишлаб чиқилди. (3-расм):



**3-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергияда информатив маркерларининг ноинвазив ташхиси схемаси**

Озиқ-овқат маҳсулотларига аллергия бўлган болаларни текшириш, даво тактикасини танлаш ва асоратлар ривожланишини башоратлаш имконини берувчи дастур ишлаб чиқиш учун 800 нафар бола танлаб олинди. Улардан 400 нафари *Helicobacter pylori* ассоцирланган ГИАли бемор болалар (1-асосий гуруҳ), 400 нафари ҳазм тизимининг *Helicobacter pylori* ассоцирланган аллергиясиз касаллиги билан (2-асосий гуруҳ).

Маълумотларни таққослаш учун назорат гуруҳига 800 нафар бола танланган. Улардан 400 нафари ҳазм тизимининг *Helicobacter pylori* бўлмаган патологияли болалар 1-чи назорат гуруҳини ва 400 нафар соғлом болалар 2-чи назорат гуруҳини ташкил этган.

Озиқ-овқат маҳсулотларига аллергия бўлган болаларни ташхиси ва бошқариш тактикасини аниқлаш учун жадвал тайёрланган. Бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларига аллергияда айниқса ГИАда кузатиладиган ва оғирлик даражасини аниқловчи белгилар рўйхати тузилган. Белгиларни

танлаётганда амбулатор шароитда текшириш имконини берувчи боланинг ҳаёти ва касаллиги анамнези, кўрик ва лаборатор таҳлил натижаларидан фойдаланилган. Анамнез, кўрик ва текширувлар маълумотларини олаётганда терининг ҳолати, тошмалар ва кекиришнинг мавжудлиги, нажаснинг хусусиятига қараб 152 та градацияли 76 та белги инобатга олинган.

Тақсимотнинг фарқланиш қийматини 95%ли ишончлилиқ чегарасида ҳисобланган. Фарқланиш қийматининг 35-45% бўлиши етарли даражада информатив бўлиб 76 та белгили жадвалда 5%ли хатолар билан диагностика учун етарли ҳисобланган. Омиллар хавф даражасига қараб қизил, сариқ ва яшил рангларда белгиланган. Натижадан келиб чиқиб, ГИАли болаларни олиб бориш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Болаларда таомга аллергиянинг шаклланиши ва кечишида хавф омиллари муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган. Булар ота-онанинг аллергия касалликлари (RR=6,2), айниқса онанинг ҳомиладорлик давридаги аллергия касалликлари (RR=2,6), боланинг овқатланиш хусусияти (RR=2,2) ва ошқозон ичак тизимининг йўлдош касалликлари (яра касаллиги-RR=9,7; сурункали гастродуоденит RR=5,5; гастроэзофагал рефлюкс касаллиги RR=2,2).

Диссертациянинг «**Болаларда *Helicobacter pylori* асоциирланган гастроинтестинал аллергиянинг ноинвазив диагностикаси**» деб номланган бешинчи бобида озиқ-овқат маҳсулотларига аллергия бўлган болаларни бошқариш алгоритмини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган. Ушбу бемор болалардан олинган иммунологик таҳлил натижалари, бу беморларни бошқариш тактикаси бўйича янги концепциялар киритиш зарурлигини кўрсатди.

Озиқ-овқат маҳсулотларига аллергияси бўлган бемор болаларни бошқаришда узвийлик ва узлуксизликни сақлаб қолиш мақсадида, ГИАли бемор болаларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган (4-расм.).

Озиқ-овқат маҳсулотларига аллергияси бўлган болаларни бошқариш алгоритмини ишлаб чиқиш учун назорат гуруҳига нисбатан болалардаги аллергияда кўрсатилган информатив маълумотларнинг борлиги *Helicobacter pylori* асоциациясининг нисбий хавфи ривожланишини ҳисоблаш натижаларидан фойдаланилган.

Хавф омилларининг математик таҳлили ва клиник ҳамда қон ва сўлак таркибининг лаборатор биокимёвий кўрсаткичлари озиқ-овқат маҳсулотларига аллергия бўлган болаларни гастроэнтеролог, алерголог-иммунолог ва педиатрлар биргаликда бошқариш зарур эканлигини кўрсатди. Амалиётда буни қўллаш болаларда ошқозон ичак тизими ва аллергия касалликларни эрта фарқлаш, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергиянинг гастроинтестинал шаклини ташхислашда ва бу беморларни бошқаришда янгича ёндашувга имкон беради.



**4-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларига аллергия бўлган болаларни бошқариш алгоритми (\*-бир ва бир нечта белгининг бўлиши)**

Хар қандай ҳолатда ҳам аллергик ва гастроэнтерологик потологияда муурожаатлар ва госпитализациянинг иқтисодий самарадорлиги давлат харажатларидан келиб чиқиб ҳисобланган. Таклиф қилинган дастур, схема ва гастроинтестинал аллергияли беморларни ташҳислаш ва бошқариш алгоритми кўп тармоқли тиббиёт марказларининг аллерголог-иммунологлари, педиатрлари, гастроэнтерологларининг, поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари умумий амалиёт шифокорларининг амалий фаолиятида қўлланиши, ҳар бир бемор учун давлат бюджетидан 1 432 727 сўм миқдордаги маблағни тежаб қолиш имконини берган.

## ХУЛОСА

1. Болаларда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергиянинг шаклланишида ва кечишида предиктор омиллар қуйидагилар: Ота-онанинг аллергик касалликлари (RR=6,2), айниқса онанинг ҳомиладорлик давридаги аллергик касалликлари (RR=2,6), боланинг овқатланиш хусусияти (RR=2,2) ва ошқозон ичак тизимининг йўлдош касалликлари (яра касаллиги-RR=9,7; сурункали гастродуоденит RR=5,5; гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги RR=2,2).

2. Гастроинтестинал аллергияда болаларда *Helicobacter pylori* ассоциациясидан катъий назар сўлақда IL-8, TNF- $\alpha$ , IgE миқдорининг ортиши ва sIgAнинг пасайиши аниқланди.

3. *Helicobacter pylori* ассоцирланмаган ГИАда қондаги *Helicobacter pylori* ва қондаги АСТ орасида ( $r=0,39$ ), пешоб диастазаси ва сўлақдаги sIgA орасида ( $r=0,40$ ) ўртача мусбат, сўлақ sIgE ( $r=-0,50$ ) билан эса кучли манфий боғланиш аниқланди. *Helicobacter pylori* ассоцирланган ГИАда сўлақдаги ва қондаги IgA орасида ( $r=0,47$ ) ўртача мусбат, сўлақдаги *Helicobacter pylori* инфекцияси ва sIgE ( $r=0,47$ ) орасида ҳам ўртача мусбат, *Helicobacter pylori* ва пешоб диастазаси ( $r=0,76$ ) орасида кучли мусбат боғланиш аниқланди. Сўлақдаги sIgA қондаги IgM билан ( $r=-0,59$ ) кучли манфий боғлиқликка эга. *Helicobacter pylori* қондаги IgA билан ( $r=-0,40$ ) ўртача манфий боғлиқлик аниқланди.

4. Ошқозон ичак тизими касалликлари ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергияда касалликнинг ноинвазив диагностикаси ҳамда лаборатор қиёсий ташхиси учун пешобдаги диастазани концентрациясини аниқлаш тавсия этилган. Бунда пешобдаги диастаза >64 ед/л бўлганда гастроэнтролог кўриги, пешобдаги диастаза <64 ед/л ёки/ва нормада бўлганда аллерголог кўриги тавсия этилади. Гастроинтестинал аллергиянинг эрта ноинвазив диагностикаси учун сўлақда IgE миқдорини аниқлаш тавсия этилади. Сўлақда IgE>1,2 мг% бўлса аллерголог кўриги, IgE<1,2 мг% ёки/ва нормада бўлса педиатр кўриги тавсия этилади.

5. Болаларда ошқозон ичак тизими касалликлари ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аллергияни эрта клиник қиёсий ташхисоти учун амалиётга диагностика алгоритми ва болаларни текшириш дастурини жорий этиш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ  
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

---

**ГАНИЕВА ШАХЗОДА ШАВКАТОВНА**

**НЕИНВАЗИВНАЯ ДИАГНОСТИКА HELICOBACTER PYLORI  
АССОЦИИРОВАННОЙ ГАСТРОИНТЕСТИНАЛЬНОЙ АЛЛЕРГИИ У  
ДЕТЕЙ**

**14.00.36 – Аллергология и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**БУХАРА – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib1017.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz))

|                        |   |
|------------------------|---|
| Научный руководитель:  | Иноятов Амрилло Шодиевич<br>доктор медицинских наук   |
| Официальные оппоненты: | Тузанкина Ирина Александровна<br>доктор медицинских наук, профессор<br>(Российская Федерация) |
|                        | Файзуллаева Нигора Яхьяевна<br>доктор медицинских наук  |
| Ведущая организация:   | Южно-Казахстанская медицинская академия<br>(Республика Казахстан)                             |

Защита диссертации состоится «24» декабрь 2020 г. в 10<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 019). Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «11» декабрь 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 26 от «10» декабрь 2020 года)



Н.А. Нуралиев

Заместитель председателя Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

К.Э. Шомуродов

Заместитель председателя Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последние годы отмечается резкое увеличение частоты патологических состояний, связанных с нарушением процессов формирования толерантности к пище. В тот же самый период времени отмечается увеличение распространенности пищевой аллергии у детей. Механизмы развития пищевой аллергии вызывают большой интерес исследователей, и ее образно называют «второй волной» эпидемии аллергии<sup>4</sup>. *Helicobacter pylori* является фактором риска развития хронической крапивницы и пищевой аллергии<sup>5</sup>. Гастроинтестинальная симптоматика также может сопровождать анафилактические реакции на пищу. При этом не-IgE-опосредованные аллергические реакции на пищу, особенно изолированные гастроинтестинальные проявления аллергии при отсутствии кожных высыпаний, вызывают наибольшие трудности в диагностике.

На мировом уровне патогенез не-IgE-опосредованных гастроинтестинальной аллергии изучен слабо, главным образом из-за того, что эндоскопия и биопсия не проводятся регулярно.

В разных странах мира проводятся исследования, направленные на изучение клинко-иммунологических аспектов формирования и течения гастроинтестинальной аллергии у детей. В этом плане, разработка новых неинвазивных методов диагностики; определение предиктор-факторов риска развития и рецидива гастроинтестинальной аллергии; установление информативных значений иммунологических и биохимических показателей слюны и мочи при гастроинтестинальной аллергии у детей являются приоритетными направлениями научных исследований.

В нашей стране на сегодняшний день усовершенствование системы здравоохранения, ранняя диагностика и обеспечение рождения здорового ребенка является одной из актуальных вопросов медицины в республике. В 2017-2021 гг. по дальнейшему усовершенствованию оказания населению Республики Узбекистан специализированной медицинской помощи определено «...расширение доступа населения к качественным медицинским услугам, оказанию им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи».<sup>6</sup>

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан: УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021

---

<sup>1</sup> Кцюн Л.А., Бабакехьян Т.М. Современные взгляды на патогенез аллергических заболеваний. Трудный пациент №8–9, ТОМ 14, 2016 с 34-39.

<sup>2</sup> Shabrawy RM, Gharib K. *Helicobacter pylori* Infection as a Risk Factor in Patients Suffering from Food Allergy and Urticaria. *Egypt J Immunol.* 2016;23(1):67-75.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

годах»<sup>7</sup>, ПП-3715 от 11 мая 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию профилактики, диагностики и лечения аллергических заболеваний», ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V1 «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** *Helicobacter pylori* позволяет пищевым аллергенам получать доступ к крови, разрушая слизистую оболочку желудка, предрасполагая к пищевой аллергии (Shiferaw G., Abera D., 2019).

Примерно 20% микроорганизмов *Helicobacter pylori* в желудке прилипают к поверхности эпителиальных клеток желудка. Этот физический контакт вызывает повреждение клеток эпителия, вызывает воспаление и облегчает доставку токсинов, что, в свою очередь, способствует бактериальной инвазии и персистенции (Kronsteiner V. et al., 2016).

